ОИЛАДА ВОЯГА ЕТМАГАН ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ - ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бекзод Сайилов
Пайариқ туман 11-умумтаълим мактаби
маънавий-марифий ишлар буйича директор ўринбосари
sayilovbekzod@mail.ru

АННОТАТЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кунда ўзбек оиласини замон ва жамият талаблари асосида ҳар томонлама баркамоллигига эришиш, бунда оиланинг маънавий, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва такомиллаштириш масалалари фалсафий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Оила, ёшлар, ҳуқуқбузарлик, миллий қадриятлар, хулқ, руҳият, девиант ахлоқ.

SYSTEMATIC ORGANIZATION OF WORKING WITH YOUNG PEOPLE IN THE FAMILY IS AN IMPORTANT FACTOR FOR PREVENTION OF OFFENSES

Bekzod Sayilov
Deputy director for spiritual and educational affairs of school 11
of the Public Education Department of Payarik district.

ABSTRACT

In this article the issues of achieving all-round perfection of today’s Uzbek family on the basis of modern and social requirements, the formation and improvement of the spiritual and legal culture of the family are philosophically analyzed.

Keywords: Family, youth, delinquency, national values, behavior, psyche, deviant morality.

КИРИШ

Истиқлолга эришганимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликларига риоя этилишини, уларнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлайдиган демократик инсонпарвар ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришни ҳар бир оила аъзосидан бошлаш, уни миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар асосида олиб бориш

мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланиб келинмоқда. Айниқса, вояга етмаган болаларни тарбиялаш алоҳида эътиборни талаб қиладиган жараёндир, яъни уларнинг хулқ-атворини, ўқиши ёки ишини, бўш вақтини кимлар билан ва қандай ўтказишини ҳар томонлама ўрганиш, тўғри йўлдан адашиб қолиш ҳолатлари юз бериш эҳтимоли сезилиши биланоқ унинг олдини олиш имкониятини беради.

Хўш, ўсмирлар нега жиноятга қўл урмоқда? Уларнинг ота-онаси, таълим муассасаси, маҳалласи бундай ҳолатга нега бефарқ, лоқайд муносабатда бўлмоқда? Баъзи ота-оналар фарзандини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилиб, унга гард юқтирмасликка ҳаракат этишади. Баъзи ота-оналарнинг мактабдаги —майда-чуйдаларга эътибор бериб ўтиришга вақтлари йўқ. Аммо оқибат-чи? Сиз болангизни кимдан ва нимадан ҳимоя қилишингиз керак? Нега бир қарашда туппа-тузук оилаларнинг болалари ўғриликка қўл уришаяпти? Хали ғўр болалар бир-бирига пичоқ ўқталаяпти? Далиллар шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар орасида безорилик, ўғрилик ва босқинчилик ҳолатлари кўп учрайди[1]. -дея куйиниб гапирган эди Президентимиз Ш. Мирзиёев.

Тарбия узлуксиз жараён бўлиб, инсон дунёга келишидан бошлаб, то умрининг охиригача давом этиб боради. Бу жараён давомида атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларнинг шахсга салбий ёки ижобий акс таъсир этиши унинг инсоний фазилатлари қай даражада шаклланганлигини белгилайди. Бугунги кунда таълим соҳаси олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан, шу мақсадга қаратилган бўлиб, келажак авлодни комил шахс сифатида шаклланишини таъминлашдан иборатдир. Шундан келиб чиқиб, шахс хусусиятларининг шаклланишида оиладаги ижтимоий – руҳий муҳит ва ота-оналарнинг психологик-педагогик маданиятини фалсафий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги салбий муносабатлар болаларда хулқ оғиши ҳамда психосоматик касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бугун ер юзида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мақсадлар кўзланган ўринишлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатларнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва яшаш тарзи издан чиқаётгани, маънавияти жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Шунингдек, инсонларнинг маънавий оламини, руҳиятини издан чиқаришга қаратилган турли шаклдаги ғоявий, мафкуравий, маънавий таҳдидлар ҳам содир бўлмоқда.

Бундай вазиятда шахснинг ахлоқий тарбияси, маънавий камолоти масаласи алоҳида долзарблик касб этади. Шахснинг оғишган хулқига нисбатан

махсус адабиётларда девиант ахлоқ тушунчаси қўлланилади. Шахснинг оғишган хулқи – бу умумий қабул қилинган ёки расман ўрнатилган ижтимой меъёрларга мос тушмайдиган ахлоқ шакли. У шахснинг маънавий ожизлиги таъсирида келиб чиқади ҳамда ижтимоий муҳит ва шахс ўртасидаги мураккаб вазиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади[2].

Девиант хатти-ҳаракатдаги болалар ва ўсмирларга нисбатан оилада профилактика, реабилитация ва коррекция ишларини олиб бориш бўйича Э. Ғозиевнинг —Ёш даврлари психологияси, В.Каримованинг —Ижтимоий психология, Ш.А.Абдуллаеванинг —Педагогик диагностика ва педагогик коррекцияларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Шунингдек, бир қатор олимлар(Б.Г. Ананьев, М.Г. Давлетшин, И. И. Илёсов, Э.Ғозиев)нинг фикрича, «...ўспирин 17-19 ёшда ҳам ўз хулқи ва билиш фаолиятини онгли бошқариш имкониятига эга бўлмайди ва шунга кўра хулқ мотивларининг асосланмагани, узоқни кўролмаслик, эҳтиётсизлик каби ҳолатлар рўй беради ва бунда оила асосий ролни ўйнайди»[3].

В.Т.Лисовскийнинг фикрича 16-17 ёшлиларда айрим салбий хатти-ҳаракатлар кўзга ташланади. Мазкур ёшда хоҳиш ҳамда интилишнинг ривожланиши ирода ва характердан анча илгарилаб кетади. «Бунда одамнинг ҳаётий тажрибаси алоҳида аҳамиятни касб этади, чунки ўспирин шу тажриба етишмаслиги натижасида назария билан амалиётни, фантазия билан реалликни, романтика билан экзотикани, ҳақиқат билан иллюзияни, орзу билан ҳоҳиш, оптимизм билан қатъийликни аралаштириб юборади».

МУҲОКАМА

Оиланинг болаларга тарбиявий таъсир доираси жамиятнинг ижтимоий таъсир доираси сингари ўта кенгдир. Бироқ кейинги пайтда оилада фарзандлар тарбиясида, уларни камол топтиришда бир қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Зеро, шахс маънавий камолотида оила тарбия марказидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларга уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини лозим даражада таъминлашлари ҳамда улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш борасидаги масъулиятни оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш механизмларини такомиллаштириш муҳим ва зарурий бўлиб, мамлакатимиз ёшларига бу борадаги давлатимиз сиёсатини, соғлом турмуш тарзини сингдириш муаммоларининг ечимини давр тақозо этмоқда.

Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқубузарликнинг келиб чиқишининг бир қатор сабаблари мавжуд. Мана шу сабабларни ўрганиб, уларни

бартараф этиш педагог ва психологлар, кенг жамоатчилик, ҳуқуқ тартибот орган ҳодимлари олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ёмон ҳулқ-атворли ва аҳлоқсиз ўсмирларнинг кўпчилиги мураккаб тарбиявий ҳолатдаги оилаларда тарбияланганлар. Бу гуруҳга кирувчи оилаларда (ота-оналар ўртасида) маданият, дунёқараш, қизиқиш ва ҳис-туйғуларнинг бир-бирига мос келмаслиги натижасида ота-оналар ўртасида доимий зиддиятли ҳолатлар мавжуд бўлади, бу эса оилавий тарбиянинг бузилишига олиб келади.

Бундай оиланинг болалари худбин, манфаатпараст, сотқин, тарбияси оғир кимсалар бўлиб тарбияланади. Ичкиликбозлик, бесабаб уруш-сўкишлар, отанинг ўз аёлига ва болаларига золимларча муносабати – буларнинг барчаси болалар ва ота-оналар орасидаги соғлом руҳий муносабатларнинг бузилишига олиб келади, тарбия жараёнлари, асосан таҳдид ва жисмоний жазолашлардан иборат бўлади. Ушбу оилаларнинг болалари феъл-атворида оғишлар кузатилибгина қолмай, улар ўта қизиққон, жиззаки ва жанжалкашлиги билан ажралиб туради. Қўполлик, алдамчилик, ёлғон гапириш, золимлик каби иллатлар уларга хос хусусиятлардир. Оиладаги доимий зиддиятлардан безиб қолган болалар кўпинча, ўз уйларидан кўчага чиқиб кетади ва турли безори гуруҳларга қўшилиб қолади.

НАТИЖАЛАР

Комил инсоннинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёсдир. Илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, оилаларда қуйидаги муаммовий ҳолатлар юзага келиши мумкин:

– ижтимоий – педагогик қаровсизлик. Бунда бола, ўсмир тарбия кўрмагани, унда зарур ижобий билимлар, кўникмалар йўқлиги ёки нотўғри тарбия таъсирида бузилгани оқибатида унда салбий феъл – атвор стереотиплари шаклланган боис ўзини нотўғри тутади;

– чуқур психик дискомфорт. Оилавий муносабатларнинг нохушлиги, оиладаги салбий психологк муҳит, ўқишдаги мунтазам ўзлаштирмаслик, тенгдошлари билан алоқаларнинг яхши эмаслиги, ота-она, ўқитувчи синфдош ўртоқлари томонидан нотўғри (адолатсиз, қўпол, шафқатсиз) муносабат оқибатида келиб чиқади;

– психик ва жисмоний саломатлик ва ривожланишдан орқада қолишлар. Ёшга оид кризислар, характернинг юзага чиқиши, физиологик ва психоневрологик хусусиятларига оид бошқа сабаблар туфайли юзага келади;

– ўз иқтидорини намоён этиш, ички ва ташқи фаолликни намоён қилиш учун шароитнинг йўқлиги, фаолиятнинг фойдали турлари билан

машғул эмаслик, аҳамиятга эга бирор ижобий ижтимоий ва шахсий мақсад ва режаларнинг йўқлиги;

– назоратсизлик, атрофдаги одамларнинг салбий таъсири ва бунинг негизида ижтимоий психологик дезадаптациянинг ривожланиши, ижобий ва шахсий қадриятларнинг салбийга ўзгариши.

– ота-оналарнинг болаларга нисбатан тўғри таъсир ўтказиш воситаларини танлай билмасликлари оқибатидаги болалар ва ота-оналараро зиддиятлар;

– оиладаги анъанавий турғун таркибий тузилманинг бузилиши, яъни ота-оналардан бирининг, аксарият отанинг оиласидан кетиб қолиши.

ХУЛОСА

Ўсмирлик ёшида психологик жиҳатдан энг муҳим хислат–вояга етиш ёки катталик ҳиссининг пайдо бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Катталик ҳисси ижтимоий-ахлоқий соҳада, ақлий фаолиятда, қизиқишда, муносабатда, кўнгил очишда ифодасини топади. Ўсмир ўз кучи ва қуввати чидамлилиги ортаётганини, билим савияси кенгаётганини оиласи орқали англай бошлайди. Буларнинг барчаси унда катталик ҳиссини ривожлантиради. Шу билан биргаликда унда ғашга тегадиган раҳбарликдан, ўринсиз ҳомийликдан, ортиқча назоратдан, зериктирадиган ғамхўрликдан ҳоли бўлиш истаги вужудга келади. Мазкур жараён ўз навбатида катталар билан муносабат ва мулоқотда нохуш кечинмаларни пайдо қилади. Ушбу ҳолатда ота-она вазиятни тўғри боҳолаб, ўсмир ёшни тўғри йўлга бошлаб бориши барча даврларнинг энг муҳим масаласи бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борадаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маъруза —Халқ сўзи, 2017 йил 16 ноябрь
2. Хайтметов, Р. К. (2020). Иммануил кант фалсафасида инсон ва ахлоқ масаласи. *Ilm sarchashmalari*, (7), 13-15.
3. Гилинский Я.И. Девиантология. СПб. Юридический ценр Пресс. 2007. – 528 с.
4. Хайтметов, Р. (2020). Мавлоно Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарида амалий ахлоқ масаласи. *Тамаддун нури*, *1*, 76-79.
5. Makhmudov, K. (2019). Integrating a Mother Tongue while Teaching a Foreign Language: Problems and Solutions. The Issues of Language, Literature and History, 1, 89-91.

6. Utamuradov, A., Khojiev, T., Isanova, G., & Khaytmetov, R. (2020). The Prospects of a New Template of the Modernization Uzbekistan. *Jour of of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, *2*(12), 2670-2676.
7. Хайтметов, Р., Мадалимов, Т., & Ахатов, Л. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, *2*, 53-61.
8. Khodjamkulov, U., Makhmudov, K., & Shofkorov, A. (2020). The Issue of Spiritual and Patriotic Education of Young Generation in the Scientific, Political and Literary Heritage of Central Asian Thinkers. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(05), 6696.
9. Давлетшин М.Г. . Психология личности.-Москва: Сентябрь, 1998.-С.17.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борадаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маъруза —Халқ сўзи, 2017 йил 16 ноябрь
2. Хайтметов, Р. К. (2020). Иммануил кант фалсафасида инсон ва ахлоқ масаласи. *Ilm sarchashmalari*, (7), 13-15.
3. Гилинский Я.И. Девиантология. СПб. Юридический ценр Пресс. 2007. – 528 с.
4. Хайтметов, Р. (2020). Мавлоно Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарида амалий ахлоқ масаласи. *Тамаддун нури*, *1*, 76-79.
5. Makhmudov, K. (2019). Integrating a Mother Tongue while Teaching a Foreign Language: Problems and Solutions. The Issues of Language, Literature and History, 1, 89-91.
6. Utamuradov, A., Khojiev, T., Isanova, G., & Khaytmetov, R. (2020). The Prospects of a New Template of the Modernization Uzbekistan. *Jour of of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, *2*(12), 2670-2676.
7. Хайтметов, Р., Мадалимов, Т., & Ахатов, Л. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, *2*, 53-61.
8. Khodjamkulov, U., Makhmudov, K., & Shofkorov, A. (2020). The Issue of Spiritual and Patriotic Education of Young Generation in the Scientific, Political and Literary Heritage of Central Asian Thinkers. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(05), 6696.
9. Давлетшин М.Г. . Психология личности.-Москва: Сентябрь, 1998.-С.17.